

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАМЎСҮЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2002 йил 8 июнь
Шанба
Сотувда эркин нархда
№ 121 (2949)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

Компьютерлаштиришни янада
ривожлантириш ва ахборот-
коммуникация технологияларини
жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сонли Фармони ва бажариш юзасидан ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида стратегик устуворликларни амалга оширишга доир амалий чора-тадбирларни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар: 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури;

2. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш буйича мувофиқлаштирувчи Кенгаш тўғрисидаги Низом;

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бошқаруви ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими билан биргаликда Тошкент ахборот технологиялари университети факультетининг таълим ва илмий-техника базасини мустақамлаш юзасидан бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

3. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими билан биргаликда Тошкент ахборот технологиялари университети факультетининг таълим ва илмий-техника базасини мустақамлаш юзасидан бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

4. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги хузуридаги Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш марказига қуйилган асосий вазифалар юзасидан:

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг буюртмаси бўйича ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасида дастурлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

реал иқтисодий тармоқлар, бошқарув, бизнес, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим соҳалари учун, шунингдек, электрон тижорат дастури амалга ошириш учун амалий ва мослаштирилган дастурий воситаларни, маълумотларнинг ахборот базаларини, веб-сайтлар ва бошқа дастурий маълумотларни ишлаб чиқиш бўйича тендерларда иштирок этиш;

3. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги: Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
«Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» 2002 йил 30 майдаги Фармони ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
«Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига

ШАРҲ

Бугунги кунда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация тармоқларини, маълумотлар узатишни, Интернет хизматларига кириб боришни ривожлантириш бўйича амалга ошириш учун 2002 йил 30 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Фармонда белгилаб берилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ахборотлаштиришнинг миллий тизимлари барпо этилишини, иқтисодиёт ва жамиятнинг ҳар бир аъсоси ҳаётига компьютер техникаси ва ахборот технологиялари оммавий жорий этилиши учун шарт-шароитларни таъминлаш, жаҳон бозорига мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбароборлигини оширилади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистоннинг юқсак даражада қарашли юзасидан аниқ вазифаларни қўйди. Жамиятни компьютерлаштириш, ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича амалга ошириш учун 2002 йил 30 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Фармонда белгилаб берилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ахборотлаштиришнинг миллий тизимлари барпо этилишини, иқтисодиёт ва жамиятнинг ҳар бир аъсоси ҳаётига компьютер техникаси ва ахборот технологиялари оммавий жорий этилиши учун шарт-шароитларни таъминлаш, жаҳон бозорига мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбароборлигини оширилади.

(Давоми 2-бетда).

Бугунги кунда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация тармоқларини, маълумотлар узатишни, Интернет хизматларига кириб боришни ривожлантириш бўйича амалга ошириш учун 2002 йил 30 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Фармонда белгилаб берилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ахборотлаштиришнинг миллий тизимлари барпо этилишини, иқтисодиёт ва жамиятнинг ҳар бир аъсоси ҳаётига компьютер техникаси ва ахборот технологиялари оммавий жорий этилиши учун шарт-шароитларни таъминлаш, жаҳон бозорига мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбароборлигини оширилади.

(Давоми 2-бетда).

«АЛЛО, МЕНГА
ВАЗИР КЕРАК»
Фуқароларнинг бундай
қўнғироқлари бажонидил эшитилди

Кеча Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигинда бўлиб ўтган бевосита мулоқот жараёнида телефонлар тинимсиз эфирда бўлиб турди. «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу вазирлик раҳбари билан мулоқот ҳар жиҳатдан самарали бўлди, дейиш мумкин. Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан, ҳар хил ёш ва касбага фуқаролар шахсан вазир билан фикр алмашди.

Мулоқот давомида нафақат Президентимизнинг «Аҳолининг ижтимоий ҳимоята муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда ҳукуматнинг бу борадан қарор буйича чора-тадбирлари, балки ижтимоий муҳофаза бўйича давлат дастурларининг бажарилиши бўйича ҳам саволлар берилди. «Бевосита мулоқот»нинг ўзини хос жиҳати шундан иборатки, унда маъсул шахс ҳар қандай саволга таъйиқларисиз ёки аввалдан ёзилган ҳужжатларнинг жавоб беришига ўтган келди. Яна бир жиҳати эса савол бериётганлар ҳам аниқ эмас, балки шу соҳанинг «ўз одамлари» — меҳнат фахрийлари, нафақақўрлар, ногиронлар... Бу эса уларнинг барчасида алоҳида ёндашув ва муносабатини талаб қилади.

Бундан ташқари, ижтимоий масалалар бўйича саволлар олдига доллар ва кенг қамровли бўлади. Шундан бўлибгина қарамасдан, мувожабат қилганлар ўз саволларига тўлиқ ва асосли жавобларни ола билдилар. Муштариларимиз «Бевосита мулоқот»нинг муфассал баёни билан гаэтамизнинг яқин сонларида танишиш имконига эга бўладилар.

Олий Мажлисда

ИЖРО МАСЪУЛИЯТИ

Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Қўмита раиси ўринбосари Раҳмонқул Каримов олиб борган мажлисда «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлаш борасида Марказий банкнинг 2001 йилги ҳисоботи кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Марказий банк раиси Ф.Муллажонов сўзга чиқди.

Этди. Ҳисобот даврида банкларнинг кредит сибасати асосан экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга қаратилди. Кичик ва ўрта бизнес, деҳқон ва фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш масаласига жиддий эътибор қаратилди.

Банк тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишни чўқурлаштиришга қаратилган амалий чора-тадбирлар натижасида банкларнинг умумий капитали, активлари ва кредит қўйилмалари ҳисобот йилида 2 баравар ошди. Аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича илҳим ошди.

Йилгида Қорақалпоғистон Республикаси солиқ идоралари фаолиятида фойдаланилмаётган имкониятлар ва ҳал этилмаган муаммолар ҳам мавжудлиги кўрсатиб ўтилди. Жойларда солиқ интизомига тўла рияз қилинмаётган ҳоллар мавжуд.

Қабул қилинган қарорда аҳоли ўртасида солиқ маънавиятини ошириш, солиқ хизмати органларининг бошқа ташкилот ва идоралар билан ҳамкорлигини яхшилаш, тўлов интизоми мустақамлашга оид ва зифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисида қўмита ваколатига доир бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Ўз мухбиримиз.

НАМАНГАН ГАЛЛАСИ

«Исломо ва дунёвий-маърифий давлат» халқаро илмий-назарий анжумани иштирокчиларининг Ўзбекистон халқига МУРОЖААТИ

Биз, анжуман иштирокчилари, Ўзбекистон халқи ва унинг Президентини Исмоил Каримов жанооби олиларига кўрсатилган эътибор ва меҳмондўстлик учун самимий миннатдорчилигимизни ихор этамиз.

Биз — Европа, Осиё ва Африка мамлакатлари вакиллари билан биргаликда «Исломо ва дунёвий-маърифий давлат» мавзусидаги халқаро анжуман иштирокчилари — шарқшунос-диншунос ва илоҳий-ақолийликларини маърузаларини тиниб, диннинг ҳозирги дунёвий жамиятда тўғри ўрнини аниқлаш муҳимлиги ва зарурлигини ҳис этган ҳолда қуйидаги хулосаларга келидик:

— дин бугунги кунда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг муҳим омилларидан бирига айланди; — диннинг ахлоқий-маърифий аҳамиятини эътироф этган ҳолда уни сиёсийлаштиришга йўл қўйиб бўлмайди; — замонавий қўмиллаштириш ва кўндалини жамиятларда фақат демократик-ҳуқуқий давлатсиз, миллати ва динидан қатъи назар, барча аҳолига тенг ҳуқуқ ва эркинликларни қамолатлаштириш мумкин.

Анжуманимизнинг мундарижи давомида турли-туман динлар, маданиятлар, тўғри ўзаро туташиш ва ҳамжиҳат бўлиб келган кўна Самарқандда, қутлуғ Ўзбекистон заминидан ўтди. Азалдан бу юрда исломо, насронийлик, яҳудийлик, буддавийлик ва ундан-да, қадимий-роқ маданиятлар нафақат «Илма-ён турган, балки бир-бирини бойитиб келган. XXI асрда ҳам Ўзбекистонда турки дини эътиқодларини ўзaro тўтувчилик имоиди бўлмади.

Ўзбекистон давлат ва дин муносабатлари борасида бой тарих ва тажрибага эга. Ишончимиз комилки, анжуман иштирокчилари тилини шарофатли мустасар бўлган умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлаштириш тажрибаси мусулмон дунёси мамлакатлари учун намуна бўла олади.

Самарқанд шаҳри, Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси, 2002 йил 6 июнь.

ЯПОНИЯЛИКЛАРНИНГ МИННАТДОРЛИГИ

24-30 май кунлари мамлакатимизга Япония жамоатчилиги вакиллари ҳамда Иккинчи жаҳон уруши пайтида юртимизга ҳарбий асир сифатида келтирилган ва ўзбек диёрини мангу осойиш топган япон фуқароларининг қариндошларидан иборат бўлган делегацияси меҳмон бўлди. Ташриф чоғида делегация вакиллари ўзбек диёрида дафн этилган ватандошлари хотирасига бағишлаб ўрнатилган ёдгорликларнинг очилиш маросимларида қатнашди. Тошкент шаҳри, пойтахт вилоятининг Бекобод, Ангрэн, Янгйўл шаҳарларида, Бухоро, Андижон ҳамда Фарғона вилоятларининг айрим шаҳар ва қишлоқларида очилган ёдгорликларни зиёрат қилар экан, меҳмонлар Ўзбекистон

заминида ўзларининг ватандошларини, қариндош-уруғларининг хотирасини эъзозлаш борасида амалга оширилган хайрли ишларни кўриб, ҳаяжонга тушганини яширишмади. Япония делегацияси вакиллари ташриф асносида мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилди. Уларда Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби қадимий шаҳарларимиздаги тарихий ёдгорликлар, маданият масканлари катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистонда кўрсатилган юқсак дўстлик-эҳтиром, меҳмондўстлик ва энг муҳими, аждодлари хотирасини эъзозлаш борасида амалга оширилган ишлардан таъсирланган Япония жамоатчилиги вакиллари давлатимиз раҳбарига миннатдорлик мактуби йўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исмоил Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент жаноблари, Республикангиз ҳудудида келтирилган япониялик асирлар дафн этилган жойларда ёдгорликлар ва ёдгорлик лавазирларининг очилиш маросимини иштирок этдик. Иккинчи жаҳон урушининг олд йилларида мамлакатимизга келтирилган ва шу ерда дафн этилган боболаримиз, оталаримиз, акаларимиз ва дўстларимиз хотирасига нисбатан Сиз ва халқингиз томонидан кўрсатилган ҳурмат ҳамда эҳтиром учун Ўзбекистон Республикасига дўстлик миссияси билан ташриф буюрган Япония жамоатчилиги вакиллари номидан Сизга чўқур миннатдорлик ихор этишга ижозат бергайсиз.

Шунингдек, биз бутун ўзбек халқига, шу жумладан, вилоят ва шаҳар ҳокимликларига, сайёҳлик идоралари ва ташрифимизга дахлдор барча ташкилотларга Ўзбекистонда бўлган чоғимизда бизга кўрсатилган самимий ва дўстона муносабат учун чўқур миннатдорлик билдирамиз.

Сизга ва Сизнинг сайёҳингизда бутун Ўзбекистон халқига соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилаймиз. Ҳурмат билан, Япония дўстлик миссияси ва жамоатчилиги вакиллари номидан

Такашиси Нобору
Икеда Акиёши
Паканашин Тэтомю
Азума Митсуки
Азума Шизуко
Каваджи Мутсуо
Каваджи Рейко
Матсушита Йукико
Азума Йошико
Кудо Акира
Токудоме Таданоре
Киношита Тамотсу
Кобайashi Масао
Акихира Йошихиро

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

Маркетинг тадқиқотлари асосида иқтисодиётнинг турли соҳалари ва тармоқларининг юқори маълуми мутахассисларга бўлган эҳтиёжи ўсиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда магистратурага ҳамда педагог кадрлар тайёрлаш бўлими махсус сиртқи бўлимларида қўйилган ва мутахассислар таёрлаш амалга оширувчи олий таълим муассасалари сонини кўпайтирилди.

Умуман олганда, ўтган йилга нисбатан қўмитанинг маълумоти кўрсаткичлари сезиларли равишда ошди: булар бакалавриятта 51100, шу жумладан, 19900 давлат грантларининг; магистратурага 4500, шу жумладан, 1400 давлат грантларининг ташкил этилди. Махсус сиртқи бўлимлари қабул 19 та олий таълим муассасасида амалга оширилди ва бу 3000, шу жумладан, 1200 давлат грантларини ташкил этди.

Тиббиёт, ахборот технологиялари, мусиқий таълим ва шу каби соҳаларда янги таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича мутахассислар тайёрлаш алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат грантлари ҳисобидан олий таълимнинг олдини олиш мутахассисларнинг интеллектуал салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида 2002/2003 ўқув йилидан бошлаб талабалар, олий таълим муассасаси ва потенциал иш берувчи ўртасида иқтисодий асосда ёш мутахассисларни олтин таълимга бинсон иш билан таъминлашга қўмиллаштириш тўғрисида шартномалар тузиш амалиёти жорий этилди.

Ҳукуматнинг ушбу қарори мамлакатимизнинг улуғлиги таълим тизимини дахл қилиш сифатини янада оширишга муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Инсон сўзи

ОҚИБАТ ДАРАХТИ

Ушкан тоғамнинг ажойиб бир олати бор эди. Бирор-тамизнинг бошимизми, қулгоғимизми оғрийдими, у киши қимдандир, албатта, хабар толар ва эртаси куниеқ ўйимизга дори-дармон кўтариб кириб келарди. Кўзак адоғида опамнинг оёғини шунга парчаси тибди. Оқшом эди. Ховлида қимингилар қадам товуши эшитилди. Уйқурираган опа-укалар эшикка югурдик. Остонада шинелини ёқаларини кўтариб олганча совуқдан дилдираган кўйи тоғам турарди. Онам уқасини қойиб берди: «Бунча қўшайди қўн-қўнмасан! Шу кўш дорини бировдан бериб юборсан ҳам бўларди-ку!» Сен қарайдиган одамларнинг кўпчилиги ўғри қазоб бўлса... Тунда бирор зийн-захмат етказишни ўйламадингми?..»

Тоғам онаминг койишларига жавоб бермай, гугурт чўпига пахта ўради-да, опамнинг ярасига дори сурта бошлади. Сўнг дока билан сириб боғлар экан, шундай деди: «Яна икки-уч марта ба дори қўйсанг, яранг тибди-қолади...» Тоғам нико-яда болажон эди. Ҳа, биз у олиб келадиган ҳолатини, чакмоқ қандларини яхши кўрардик. Бироқ бизга ширинликдан ҳам унинг берадиган, бегамма табассуми кўпроқ ёқарди. Тоғам ўзининг табиат қулини ё бизникида, ё холатимизда гингт қуяр, девор кўтарар, ошқона ёки молхонанинг томини қайтадан ёпиб беради.

Кўшимчиси Курбоний ҳола узоқ вақт бодан азоб чекиди. Бунга эшитган тоғам чўлдаги зовур тепалигини бериб кун ётиб, бўриққ пойлади. Ниҳоят, уни тўтиб, қўшимчига келтириб берди. Дарди енгилашган Курбоний ҳола ўла-ўлғунча тоғамни дово қилиб ўтди. Қарангки, бу икки инсоннинг табассуми, ширинсуханлиги, ўзгаларга фидойилигида ажиб бир ўхшашлик бор эди. Мен бу ўхшашликни энди-энди сезяман. Битта урчуқ ва битта ўрмак орқасидан отасиз қолган уқ фарзанди оқ ювиб, оқ тараган Курбоний ҳола ҳам



Йигитга қарадик. Кейин жимлайдик. Негаки, у топиб айтганди. Негаки, у топиб айтганди.

Ажойиб ҳолис! Бу йил ҳам Курбоний ҳоламнинг тўтлари ширин-ширив мева тугди. Ҳар йили қўни-қўшиллар бу улкан тўтнинг говак танасини қўнғандида унинг қўриб қўлиши тўғрисида турли баҳоратлар айтишади. Аммо дарҳат ҳар йили ям-яшил барг чиқарди. У ҳар йили ширин-ширив мева тугди. Қуни кеча неварам Салодқатни етказиб тўтнинг остига бордим. Салодқат қўндан ёмғирдай бўлиб ёғилётган тўтларга этганин тўттанча болаларнинг ичима чарх ура бошлади. Мен унинг бу тўтдан тўйиб-тўйиб ейишни, раҳматли холамнинг минг бир хислатидан айримлари неварамга ҳам ўтиришни оруз қилганча бир чеккада болаларни томоша қилиб турардим.

Тўт говак бўлса-да, унинг пўстлоқларига бирлашиб кетган энсиз ўзаги баргларга, меваларга оби-ҳаёт етказиб бераётганлиги гўзал бир манзара, ажойиб бир ҳақиқат эди. Бу тўт, назаримда, оқибат аталмиш, фидойилик аталмиш, инсонийлик аталмиш жаннатий тўтларнинг беазир рамзи эди.

Ҳаёт бор экан, бу тўйғулар юракларини тарқ этмайдди. Қўнқам бор экан, Курбоний ҳоламнинг тўти ям-яшил барглар чиқараверади. Бу тўт остиди ўзлари билмаган ҳолада, ўзлари сезмаган ҳолада бир этак болакайлар беҳишт неъматларидан тўтинилгани-тўтинилган. Ана шу неъматлар, ана шу мевалар, ажаб-эмаски, ўша дамларда уларнинг вужудларига Курбоний ҳоламнинг тоза нафасларини уфуратган бўлса.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бозорга — фақат қонуний йўл билан

Кеча Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармасида Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, бошқона ишоралари, шаҳар прокуратураси кузурдаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармасининг масъул ходимлари иштирокида пойтахт бозорларида фаолият кўрсатаётган ҳусурий тадбиркорлар билан очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 6 майдаги «Жимийоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш масаласи муҳокама қилинди. Таъкидландики, ҳали ҳам

бозорларга турли йўллар билан ноқонуний равишда сифати кафолатланмаган, бошқона ва давлат стандарти кўригидан ўтмаган ҳамда мамлакатимиздаги яширин ишларда ишлаб чиқарилаётган товарлар кириб келмоқда. Шу боис ҳукумат қарори талабларини амалга ошириш икки бозорга ноқонуний йўллар билан яроқсиз маҳсулотлар кириб қолмаслигига ёрдам беради. Сифатсиз озиқ-овқат ва ноорзиқ-овқат товарлари олиб келинишни олдинилади. Мулоқот сўнггида тадбиркорларнинг ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб берилди.

Ҳосил КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

«Уйғунлик» маркази
Пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманида «Уйғунлик» (Арт-Гармония) маркази ўз фаолиятини бошлади. «Шарқ аёли» халқаро нодавлат аёллар жағмағарига қарашли ушбу марказнинг бош мақсади ёшларнинг ҳар томонлама камол топишига қўмақлаштириш. Шу боис марказда болалар учун турли гунарақлар ҳам ташкил этилган.

Саховат
Қашқадарь вилояти «Пахтаасаноатсотиш» ҳудудий бирлашмаларининг ўтган йили Косон туманида 226 уринли мактаб қўриб, ўқувчиларга туҳфа қилганидан қўнчилик хабардор бўлса керак. Яқинда бирлашма ушбу «Мустақилликнинг ўн йиллиги» мактабига 10 миллион сўмлик дарслик ва спорт анжомларини совға қилди.

Даромадга қараб буромад
«Қўнғир толаси» акциядорлик жамияти саккизинчи марта Жаҳон Сифат қўмитасининг олтин совринига сазовор бўлди. 2001 йилда тола чiqими Қорақалпоғистонда энг юқори кўрсаткич — 34 фоизни ташкил этди. Ҳар бир акция учун ажратилган дивиденд миқдори 204 фўз қўйилди. Яъни соф даромад эса 33 миллион сўмдан ошди.


Қўшма битим
«Ўзбекистон ҳола йўллари» миқлий авиакомпанияси ва Италиянинг «Al-Italia» авиакомпанияси ўртасида «Қод-Ш» битими имзоланди. Мазкур битимга мувофиқ, томонлар ҳамкорликда Тошкент-Рим-Тошкент йўналиши бўйлаб парвозни амалга оширади. Шунингдек, ушбу битим Италия, Испания, Франция сингари мамлакатлардан йўловчилар жалб этиш имконини ҳам беради.

«Халқ сўзи», «Туркпресс-пресс».



Шу кунларда Фаластин ва Исроил ўртасидаги ихтилоф яна янгида аланга олмоқда. Тинчлик ўрнатилиш жараёни борган сари чўзилиб, мураккаблашиб бораёттир. Гўё бу ерда уруш оддий воқеага айланиб қолгандай.

Музокаралар самара берсин-да...



Гап шундаки, сўнгги кунларда исроилликлар учун ҳам, фаластинликлар учун ҳам мақбул қарорга келиш борасида томонларни ён беришга, бошқима-бошқич музокаралар ўтказишга даъватлар бўлиб турган эди. Бироқ бундан ун кун олдин Исроилда содир этилган қўнғорувчилик сабаб икки ўртада норозилик кучайди. Содир этилган на-абатдаги хурурлик 17 нафар кишининг ёстигини кўрипти. Олтишга яқин одам жароҳатланди. Уларнинг асарияти оғир аҳволда шифохонага ётқизилган. Ва шу куннинг ўзидек террор ижрочилари маълум бўлди. Ливан ҳудудида жойлашган «Хизбуллоҳ» ташкилотига қарашли телестанциянинг хабар беришича, айни қўнғорувчилик «Қудус бригадаси» жангарилари томонидан уюштирилган экан.

Табиики, Исроил томини бунинг учун жавобгарликни Фаластин мамурияти етакчиси Есир Арафотга юкляди. Беридан баёнотда айтилишича, А.Арафот террорни жойлашув учун етарлича фаолият олиб бормапти. Исроил ҳукумати бунга жавоб сифатида Рамаллоҳ ва Йордан дарёсининг фарбий қирғоғига қайталан ўз ҳарбийларини киритди. Сўнгги маълумотларга қараганда, фаластинликлар раҳбари қароргоҳи бир неча бор нишонга олинган. Оқибат-

да икки нафар киши қўрбон бўлган. Бугун кўпчилик Яқин Шарқ можароси боши берк қўчага кириб қолганлигини бот-бот эслатмоқда. Бироқ қандай куч уни ойдан қўчага олиб чиқилиши мумкин? Минтақда тинчлик ўрнатилиш учун БМТнинг қудрати етарлими? Очиги, бу саволларга жавоб топиш жуда мушкул. Биласиз, ҳар икки томон раҳбарлари музокара даврасига ўтирилганлариди ҳеч қачон ўз ўзларидан қайтишмаган. Яъни бир-бирларига ён босишмаган. Аслида бу музокара олиб борган намоёндаларга кўп ҳам боелик эмасдек кўринади. Негаки, бу минтақда сиёсий-иқтисодий стратегик манфаатлардан ташқари, геополитик, этник ва диний манфаатлар ҳам бор. Ҳар икки томонда музокара олиб беришга ён беришга тўғри келган. Негаки, бу минтақда сиёсий-иқтисодий стратегик манфаатлардан ташқари, геополитик, этник ва диний манфаатлар ҳам бор. Ҳар икки томонда музокара олиб беришга ён беришга тўғри келган. Негаки, бу минтақда сиёсий-иқтисодий стратегик манфаатлардан ташқари, геополитик, этник ва диний манфаатлар ҳам бор. Ҳар икки томонда музокара олиб беришга ён беришга тўғри келган.

Барчага аёнки, АҚШ Исроил билан қандай яқин алоқада бўлса, Фаластин билан ҳам худди шундай дўстона муносабатларини ўрнатилишга ҳаракат қилмоқда. Энди ҳамма гап мазкур учрашув минтақда оқибатдаги музокара ўрнатилиш ва мо-жаровани тинч музокара орқали баргафот этиш йўлида ҳизмат қилишида. Зеро, оқибатда ўтган ҳар бир сония тараққийёт сари ташланган муҳим қаламдир.

Фурқат САНАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Президентнинг ташаббуси

Кеча Оқ уй раҳбари Жорж Буш мамлакатда Миллий хавфсизлик вазирлигини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Президентнинг айтиш ташаббуси шу куниеқ АҚШ конгресси эътиборига ҳавола этилди. Хабарларга қараганда, янги тузилма жавабгарлик бу тизимдаги ўнлаб ташкилотларни бирлаштириш ҳолда мамлакатни халқаро терроризм офатидан ҳимоя қилади. Агар АҚШ конгресси Президент Ж. Буш ташаббусини қўллаб-қувватласа, унда қарийб 170 миң нафар ходимдан иборат янги вазирлик келаси йилдан ўз фаолиятини бошлайди.

Террорчилар омбори қўлга олинди

Кеча тарқатилган хабарларга қараганда, халқаро тинчликпарвар кучлар Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳри шимолидаги ҳудуддан «Ал-қоида» ташкилотига ва толибонларга тегишли бўлган йирик ҳарбий омборхонани қўлга киритишган.

Вазир истеъфо берди

Покистон ташқи ишлар вазирлиги Абдул Саттор истеъфого чиққанини маълум қилди. Рейтер ахборот агентлигининг хабар беришича, А. Сатторнинг ўз мартабасидан воз кечишига соғлигининг ёмонлашуви сабаб бўлган.

Миллионерлар сони ошмоқда

Яқинда Россиянинг Хабаровск ўлкаси солиқ хизмати ходимлари 2001-2002 йиллар ичиди аҳоли томонидан тоширилган декларацияларни таҳлил қилиб чиқди. Маълум бўлишича, шу давр ичиди солиқчилар 3 миллиард 872 миллион 678 миң рубдан иборат бўлган 17349 та декларация тақдим этилган. Уларнинг орасидан 23 нафар киши миллионер сифатида эътироф этилди. Унга қара, миллионерларнинг йиллик даромади 1 миллион рублни ташкил этган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Тадбиркорликка кенг йўл

Юртимизда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида яратилган имкони-ятлардан буюроқлик аёллар ҳам унумли фойдаланишмоқда. Утган йили турли жағмағалар ва банклардан ишбилармон хотин-қизларга 80 миллион сўмдан зиёд имтиёзли кредит берилди. Кейинги беш ойда улар сафи 200 кишига кенгайди.

«Овация» либослари

Тикувчилик, зардўзлик, каштачилик, қандолатпазлик ва фермерлик билан шуғулланаётган 900 нафар ишбилармоннинг бошини қовуштирган вилоят «Тадбиркор аёл» уюшмаси ўтган йили мамлакатимизда энг яхши уюшма, деб эътироф этилди.

Ирина Шарипова тадбиркорлик билан шуғулланади. Мақсади — миқлий маданиятнинг дунёга кўз-кўз қилиш. Ишбилармон қандай қилиб маданият тарғиботи билан шуғулланади, дериси? Ирина ора раҳбарлик қилаётган «Овация» модлар театри» ҳусурий фирмаси у ёки бу либосни тикшидан тортиб уни намоён этишга ҳақ бўлган барча ишларни тула-туки амалга оширади. Ана шу жиҳат билан у ҳозирга республика-кампазида янададир.

Санаткорларини миқлий, замонавий кийимлар билан таъминлаш ниятида тадбиркорликка қўл урди, — дейди опа. — Тўғри, фаолиятини бошлаш, кейинчалик унинг доирасини кенгайтириш учун сармоа керак. Муаммони ечишда тадбиркорлар учун яратилган имтиёзлар қўл келди. Дастлабки маҳсулотларимиз билан «Ташаббус-96» кўрик-танловига қатнашиб, илғорликда иккинчи ўрин соҳиб бўлдик. Фирмага 2 миқлий бўлди. Иккинчи кредит беришда қарор қилингандай ўшанда. Унга Германияда ишлаб чиқарилган тикув дастгоҳлари сотиб олинган. Овация ишлар юришида кенгайиб боради. Энг асосийси, фирма ўз даромадини қўпайтириш билан бирга, қадимий бой маданиятни-

Амрулло САМАДОВ.



Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

«Ўзэлектромонтаж» ОХЖ эмитенти, Тошкент шаҳри, У.Носир кўчаси, 91, молия-ҳўжалик фаолиятига тегишли аҳамиятли фактлар ҳақида

МАЪЛУМОТ

- Умумий йиғилиш қарори. Маълумот тартиб рақами — 09. «Ўзэлектромонтаж» очиқ ҳиссадорлик жамияти. Умумий йиғилиш тури: йиллик. Умумий йиғилиш ўтказиш шакли: очик. Йиғилиш ўтказиш кун: 2002 йил 24 май. Йиғилиш ўтказиш жойи: Тошкент шаҳри, Жарқўрғон кўчаси, 76. ОХЖ Низоми жағмағариси — 100000000 сўм, 20000 акция. Умумий йиғилиш иштирокчилари сони: умумий овозларнинг 69,9 фоизини. ОВОЗ БЕРИШ УЧУН ҚЎЙЛГАН МАСАЛАЛАР 1.1. Ҳиссадорлик жамиятининг 2001 йил молия-ҳўжалик фаолияти яқунлари ва 2002 йилнинг асосий йўналишлари бўйича бошқарув раисининг ҳисоботи. Қарор қилинди — тасдиқлансин: «ҳа» — 13794 овоз, «қарши» — овозлар йўқ, «бетараф» — 12 овоз. 1.2. 2001 йил учун бухгалтерлик баланси. Қарор қилинди — тасдиқлансин: «ҳа» — бир овоздан, «қарши» — овозлар йўқ, «бетараф» — овозлар йўқ. 1.3. Аудиторлик текшируви хулосаси. Қарор қилинди — тасдиқлансин: «ҳа» — 13974 овоз, «қарши» — овозлар йўқ, «бетараф» — 12 овоз. 1.4. Тафтиш комиссияси ҳисоботи. Қарор қилинди — тасдиқлансин: «ҳа» — 13914 овоз, «қарши» — овозлар йўқ, «бетараф» — 22 овоз. 1.5. 2001 йил фойдасини тақсимлаш. Қарор қилинди — тасдиқлансин: «ҳа» — 10858 овоз, «қарши» — овозлар йўқ, «бетараф» — 3128 овоз. 1.6. Тафтиш комиссиясининг янги таркибини тасдиқлаш. Қарор қилинди — қуйидаги таркиб тасдиқлансин: Бурдуковская Е.А. — «ҳа» — 16704, Вознюк В.Д. — «ҳа» — 16605 овоз, Кадушкина Т.Ю. — «ҳа» — 16761 овоз.

- 1.7. 2002 йил харажатлар сметасини тасдиқлаш. Қарор қилинди — тасдиқлансин: «ҳа» — 10812 овоз, «қарши» — овозлар йўқ, «бетараф» — 3174 овоз. 1.8. «Ўзэлектромонтаж» ОХЖ бошқаруви ва кузатув кенгашининг «Ўзэлектромонтаж-2» ШХБ бўш ётган базасини сотишга рухсат бериш ҳақидаги қарорини тасдиқлаш. Қарор қилинди — тасдиқлансин: «ҳа» — 10770 овоз, «қарши» — овозлар йўқ, «бетараф» — 3216 овоз. 1.9. 2001 йил учун дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш. Маълумот тартиб рақами — 05. Умумий йиғилиш қарори — кўпчилик овоз билан — 10847 овоз (умумий овозлар сонининг 77,6%), тўлов миқдори: бир акциянинг 20% қийматида тасдиқлансин. Тўловларини 2002 йил 23 июлдан кечикмасдан амалга ошириш бошлансин. 1.10. Раҳбар шахслар таркибидидаги ўзгаришлар. Маълумот тартиб рақами — 10. Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш бўйича умумий йиғилиш қарори. Овоз бериш натижасига қўра кузатув кенгаши таркибига қуйидагилар кирдилар: 1. Аношин Н.Д. — «ҳа» — 11384 овоз. 2. Давидов Г.М. — «ҳа» — 7747 овоз. 3. Исаев А.Н. — «ҳа» — 15888 овоз. 4. Исковских И.П. — «ҳа» — 9295 овоз. 5. Нигматуллин Р.А. — «ҳа» — 12266 овоз. 6. Рязов Ю.Я. — «ҳа» — 14054 овоз. 7. Таняев Г.С. — «ҳа» — 12749 овоз. 8. Филиппов И.В. — «ҳа» — 37136 овоз. 9. Яшин Н.П. — «ҳа» — 8320 овоз. Кузатув кенгаши таркибига қуйидагилар кирмадилар: 1. Акрамов Ш.К. — 4575 овоз. 2. Мавлянов А.А. — 5100 овоз. 3. Куишвили Н.А. — 7414 овоз. 4. Худойбердиев Б.Н. — 1423 овоз.

Кузатув кенгаши.



Айни пайтда гуруҳ баҳслари нихоясига етиб қолган жаҳон чемпионати ҳисоб бўйича ўн еттинчи эканлигидан хабардорсиз. Аввалги 16 та чемпионатнинг 4 тасида Бразилия (1958, 1962, 1970, 1994), 3 тасида Италия (1934, 1938, 1982) ва Германия (1954, 1974, 1990), иккитасида Уругвай

(1930, 1950) ва Аргентина (1978, 1986) голиблик шохсупасига кўтарилган бўлса, «Чарм тўп» тахти бир мартадан Англия (1966) ва Францияга (1998) ҳам насиб этган.

Зиданнинг йўқлиги шунчалик билинми?

Кўриб турганимиздек, илк чемпионатда Уругвай вакиллари зафар қучган бўлса, сўнггида французларнинг қўли банд келган. Яна бир таққос: Франция терма жамоаси бугун жаҳон футбол рейтингига 802 очко билан биринчи погонани банд этиб турибди. Уругвай эса 652 очко билан 24 ўринда. Бундай қиёсларни келтиришимизнинг сабаби бор, албатта.

Кунга кеча «А» гуруҳиданги навбатдаги ўйинда айни мана шу икки номдор термининг рўбарў келиши миллионлаб ишқибозларнинг эътиборини тортди. Қизини шунчаки, ҳар икки жамоа ҳам дастлабки учрашувда мағлубиятга учраган. Кейинги босқичда — нимчорак финалда баҳсларни давом эттириш учун эса фақат галаба зарур эди. Айниқса, Франция учун. Йўқ, башорат тахминлар, олдиндан белгиланган режалар чиплакка чиқди. Учрашув 0:0 ҳисобида дуранг билан оқуланди.

Бугунги Франция таркибидан ҳам энг кучли жамоа ҳисобланади. Ахир 1998 йилги жаҳон ва 2000 йилги Европа чемпионатларининг деярли ҳаммаси майдонда тўп сурмоқда. Фақат Зидан... Наҳот унинг ўрни шунчалик билинса? Наҳот французлар Зидансиз жаҳон чемпионатида биттама гол кирита олмаган? Хуллас, франциялик ишқибозларнинг сезими жамоаларни нимчо-

рак финалда кўришлари учун 11 июль кўни буладиган ўйинларда мўъжизани кўтишдан ўзга илоҳларни қолмади.

Шу гуруҳда ўтказилган яна бир учрашув ҳам жанговар дуранг (1:1) билан аяқланди. Утган сафар Францияни мағлуб қилган Сенегал футболчилари Даниел терма жамоасига қарши майдонга тушди. Ва бу таг ҳам ўз маҳоратларини намойиш этишди. Олднингта европалликлар пенальтидан ҳисобни очган бўлса, эпчилликда ҳеч қандам қўлишмайдиган Африка вакиллари ҳисобни чиройли гол билан тенглаштиришди.

«Е» гуруҳида ҳам битта учрашув ўтказилди. Сағма шаҳрида кечган ўйинда Камерун терма жамоаси Саудия Арабистони футболчиларидан 1:0 ҳисобида устун келишди, ва 4 очко билан иккинчи босқич масаласини деярли ҳал қилиб қўйишди. Бунинг учун 11 июль кўни Саудия стадионинда Германияга мағлуб бўлмасликнинг ўзи кифоядир.

Шунингдек, кеча яна учта беллашув ўтказилди. «В» гуруҳида Испания ва Парагвай термаларининг учрашуви 3:1 ҳисоби билан аяқланган бўлса, «Г» гуруҳидаги иккинчи ўйинда қуйидаги натижалар қайд этилди: Швеция-Нигерия 2:1, Аргентина-Англия 0:1.

Озод РАЖАБОВ,
«Халқ сўзи»
шаҳрловчиси.



Қуёш оғушида жилоланди қўл... Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Шанба фелъетони

Фарзанд ҳамиша ота-онасига суянади. Ундан йўл-йўриқ олади, маслаҳат-лашади. Бу табиий жараён. Бироқ атайлаб ёмонликка қўл урган бола ота-онадан ёрдам кутишига қандай қарайсиз?

Авалло, уйда яхши тарбия қўрган бола ёмонликдан йироқ юради. Ҳаромдан ҳазар қилади. Ота-онанинг юзини ерга қаратиши оғ деб билади.

Унда, ҳали айтилганидек, жиноят йўлига кириб, «мени кўтқаринг, жон, ота-жон, онажон!» дейдиганлар қимлар?

Бундайларнинг таърифини келтириш қийин. Фикри бузуқ, дунёқараш тортасамки? Ҳамма нарсани танин-билиш ёки пул ҳал қилади, дея қалта уйлайдиган бадаллардир? Ҳар не бўлганда, улардан яхшилик кўтиб бўлмайди. Бердиси айтилган бўлса, қайси йўмонли ота-она атайлаб қонун бузган, жиноят содир қилган фарзандни пок, дея ёнини олади? Тўғри, боласининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш табиий. Бу уларнинг конституциявий ҳуқуқи. Лекин бу ҳаракат ҳам қонун доирасида бўлиши керак. Афсуски, баъзи ота-оналар буни нотўғри талқин этишапти. Жиноят содир этган фарзанднинг жазодан қўтарилишининг райригайи усулларидан фойдаланиши ўзларига эп кўришапти.

Эндигина балогатга етган Даниел кетма-кет уч бор жиноятга қўл уради. Икки мартасида ота-онанинг «ҳиммати» тўғрисида жазодан қўтилиб қолади. Балки у ота-онанинг устамчилиги-

нага ётқизилганидан икки кун ўтгач, уйига мажбуран жўнатилди.

Эркатой онасининг қўли етмаган жой йўқ, деб ҳисобларди. Хоҳ касалхона бўлсин, хоҳ автосервисда бўлсин, ҳамма жойда — ҳозир нозир эди. Йўқса, ҳеч маҳал пачаваси чиққан машинани маълумотомасиз таъмирлаш мумкиними?!

ги хилватхоналар, ўйин-қўл-ги, қизлар уни ром этганди. Гузаллар атрофида ҳар кун парвона. Бора-бора у бундан ҳам зерикади. Текин бойлик ортириш йўлини тутди. Гиёҳона моддалар сотишни ўзига касб қилиб олади.

Шаҳардаги «Ойдин» бозорида Даниел муқаддам судланган-Лима билан учрашиб қолади ва унга героин тавсия

си алашганди. Бу сафар инсоф, диёнат, қонун устунлик қилди. Улар адолат олдидан бош эгилар.

Бу билан демократизми, бола андозани ота-онасидан олади. Уларнинг юриш-туришига ментзайди ўзини. Энди уйлаб қўрайлик. Ота-онасидан Даниелга қўчаётган андозанинг оқибати нима бўлади? Донишмандлар то-

Авайлаган кўздаги чўп

ёки қуш уясида кўрганини қилади

Диёнатсизликни қарангки, жабрдийдага келтирилган моддий, маънавий зиёни қоплаш ҳақида гап ҳам бўлмаган. Ана шу билан эркатойнинг ота-онаси ўғилларини бир жазодан сақлаб қолиб, катта халотка йўл қўйишди. Талтайган ўғил тасаввур қила бошладики, пулга гувоҳни ҳам, озоликни ҳам сотиб олиш мумкин. Ва...

Автохалокат масаласи сўзга, терговга қайтиб юрган келар эди. Олмалиқ шаҳар прокуратурасига маълумот тушди. 16 ёшга тўлмаган Вилла исмли қиз туғруқхонага мурожаат қилиб, ўзини иккиқатли раўхатда олишларини сўрайди. Ҳомиласи ўша биз ҳикоя қилаётган эркатойдан эканлигини айтиди. Судтибэкспертиза ҳам бунга тасдиқлайди. Аммо Даниел бу гап ҳам онаси кўмагида суван қуруқ чиқди. Қизнинг ўзию ота-онаси уларнинг турмуш қўришларида розилик хати ёзиб берибди. Шу тариқа жиний иш қўзғатиш рад этилади.

Эндигина йитирмадан ошган Даниел шунча жазонсизликлардан талтайиб кетади. Тун-

етади. Озоликнинг қадрини тушунаган Лима бу ҳақда миллияга хабар берибди. Гувоҳлар иштирокчи қўздан кечирилганда, эркатой ота-онасининг машина гаражидан 0,23 грамм героин топилади.

Судда таъкидланганича, аввалги эркатойнинг ота-онаси Лимига таъйиқ ўтказишди. Сўнг уларнинг таниши — Тошкент шаҳар ИИБнинг ходими қонунга зид равишда уч кеча-кундуз Лимани миллия хонасида ушлаб турди. Оқибатда бу милиционер ишдан олиниб, устидан жиний иш қўзғатилди.

Тошкент вилоят судининг жиний ишлар бўйича судлов ҳайъати Даниелга онд ушбу жиний ишни кўриб чиқиб, унга қонуний баҳо берибди. Бу табиий ҳол. Аммо шу ўринда бир ҳолатга эътиборингизни тортас. Даниел охири бор тергов ҳибҳонасида ётганида онасига хат чиқазди: «Она, адвокатнинг қўлидан ҳеч нарсга келмайди. Кечлик қолмасдан тезда «каналлар»нинг ишга сол. Имонятин топа олсанг, масалани терговчи орқали ҳал қилиш мумкин».

Эркатой ва унинг ота-она-



Курбон ЭШМАТОВ.

ҲИҚМАТ

Оқил эрсанг сабр айлаб ҳар замон,
Қилма синган ҳам тўқилганга фиғон.

ЎЗБЕКИСТОН ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ — КЎМАК ЖАМҒАРМАСИ

ЎЗБЕК ТИЛИДА ЮРИДИК ФАЙЛЛАР БЎЙИЧА ДАРСЛИКЛАР ВА МОНОГРАФИЯЛАР ЧОП ЭТИШИНИ ҚўЛЛАБ-ҚўВВАТЛАШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов иштирокчилари (муаллифлари) олий юридик маълумотга эга ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлишлари керак.

- Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**
- мурожаатнома-хат;
 - муаллиф резюмеси;
 - тавсиянома-хат;
 - ўзбек тилида чоп этишга тайёрланган кўлэзманинг охириги варианты ва дискетга (Word форматда) кўчирилган электрон нусхаси;
 - кўлэзман чоп этиш учун илмий кенгаш тавсияномаси;
 - Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тавсияномаси;
 - ташқи тақриз.

Тақдим этиладиган кўлэзма аввал чоп этилган ва нашриётга чоп этиш учун топширилган бўлмаслиги керак. Кўриб чиқиш учун қабул қилинган ҳужжатлар муаллифга қайтариб берилмайди. Муаллифларга қалам хақи берилб кўзда тутилмаган.

Ҳужжатлар 2002 йил 22 июлдан кечикмай тақдим этилиши керак.

Тўлиқ маълумот олиш учун Ўзбекистон Очيق жамият институтини — Кўмак жамғармасига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:
Тошкент шаҳри, «Зарбон» кўчаси, 31-ўй (муҳалл) «Россия» мўҳмонхонаси),
Ҳужж дастури мувофиқлаштирувчиси — Уйда Хусанжуаевага.
Телефон/факс: 120-68-54, 152-27-41, 152-36-98, 152-39-15, 152-39-98, 152-39-33.
E-mail: umida@osi.uz

Янги луғат

2001 йили Андижон давлат университети олимлари А.Нурмонов, С.Зайнобиддинов, М.Саидхонов, А.Собиров, Д.Қурбонов ҳамда Алишер Навоий номдаги тил ва адабиёт институтининг етакчи илмий ходими, ЎзФАНнинг муҳбир аъзоси А.Ҳожи-ев, америкалик луғатшунос Катрин Кокерлардан иборат муаллифлар жамоаси томонидан яратилган «Ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати» дунё юзини кўрди.

Луғат янги ўзбек алифбосида босилган бўлиб, ундан халқ таълими тизими ходимлари, талабалар, иш юритувчилар, ақлия ва ҳуқуқ органларида ишлаётган шахслар, ўзбек тилини ўрганаётган чет эллик фуқаролар, бир сўз билан айтганда, ҳамма фойдаланиши мумкин.

Уйлаймики, луғат тез орада ҳар кун эҳтиёжimiz тушиб турадиган китобларимиздан бирига айланиб қолади.

Ш.ЮСУПОВА,
З.ҚОДИРОВ,
филология фанлари номзодлари.

САВОЛ БИЗДАН...

Пойтахти Загреб шаҳри бўлган давлат қайси?

136-35-60

Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби:

ЛАОС
Бу ҳақда тошкентлик А. Бурҳонов ва Д. Насуллаев хабар бердилар.

ЎЗБЕКИСТОН КИМЁ САНОАТИ ГИГАНТИ «NAVOIYAZOT» ОАЖ

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАРНИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2002 йил 29 мартдаги 86к-ПО буйруғига асосан «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси «NAVOIYAZOT» очик акциядорлик жамияти («NAVOIYAZOT» ОАЖ) бўлиб қайта тузилди.

Устав жамғармаси:

- а) «Ўзимёсаноат» ДАК акциялари улуши — 51%;
- б) хорижий инвесторлар акциялари улуши — 49%.

Акцияларнинг 100 фоизи нақдсиз шаклда чиқарилиб, Марказий депозитарийнинг электрон базаларида сақланади ва иккинчи босқич депозитарийлари ҳисобида туради.

Маълумот учун телефонлар: тижорат директори — 922-22-04; иқтисодий бўйича директор — 922-27-08; хусусийлаштириш бўлими — 922-24-07.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги жамоаси хорижий сармоялар ва худудий ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Марат Абдуллаева отаси, фалсафа фанлари доктори, профессор

Мирзахмад АБДУЛЛАЕВнинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг республика Инкассация бирлашмаси жамоаси бирлашманинг Сирғали ўкув мажмуаси директори Боқӣ ХАЛИЛОВнинг вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон маркази» АЖ жамоаси Балний кенгаш аъзоси, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг етакчи илмий ходими Абдуҳай УМАРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон телевидениеси жамоаси «Матрифат» студиясининг бўлим бошлиғи Ойид Тоҳирга волидан мухтарамаси НОЗИК мўмининг вафот этганиги муносабати билан ҳамдардлик билдилади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг ректорати ва жамоат ташкилотлари немис филологияси факультети «Лексика ва стилистика» кафедраси катта ўқитувчиси Д. Устамухамедова онаси Муҳаммад УСТАМУХАМЕДОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдилади.

Абу Райҳон Беруний номдаги Тошкент давлат техника университети жамоаси «Саноат электроникаси» кафедраси мудири, профессор Худуд Сапаева волидаси ОЙХОНУМ аянинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси «Халқаро ҳуқуқ ва ҳисбий қўғуғчилик» кафедраси доценти, хуқуқшунослик фанлари номзоди Хусан ЭШОНХУҲАЕВнинг вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОҲОВ

Таҳрир хайъати:

- Э. БОДИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
- М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
- Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
- С. ЗИНИЙ,
- М. МИРАЛИМОВ,
- С. МУҲИДИНОВ,
- Ш. РИЗИЕВ,
- М. САФАРОВ,
- Р. ФАРХОДИЙ,
- И. ХУДОЕВ,
- И. ШОҒУЛОМОВ,
- О. ҚАШИБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
- Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сўсий ҳаёт — 133-57-34;
- 133-78-92
- Иқтисодиёт — 136-36-65;
- 133-07-48
- Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
- 136-35-60
- Газетхонлар билан алоқа ва минақалар — 136-29-89;
- 133-07-48
- Фан, соҳақчи сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
- Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
- Котибиат — 133-10-28;
- Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 576, 36491 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. УТБОСАРОВ.
Навбатчи — О. РАЖАБОВ.
Мусаҳҳах — М. СУЛАЙМОНОВА.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан қабл материаллар қабул қилинмайди.

□ — тижорат материалли.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириди — 22.45. 1 2 3 4 5 6

«O'ZBEKENERGOTA'MIR» ОАЖ

қузатув кенгаши 2002 йил 28 июль кунин соат 10.00да жамият жойлашган манзил: Тошкент шаҳри, Қ.Муртазоев кўчаси, 8-уйда (мажлислар зали) акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши бўлиб ўтишини маълум қилади.

Йиғилиш иштирокчилари 2002 йил 28 июль кунин соат 8.00дан 10.00гача қуйидаги манзилда рўйхатга олинди: Тошкент шаҳри, Қ.Муртазоев кўчаси, 8-уй, санок комиссияси.

Маълумот учун телефон: (998712) 35-37-32. Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган «O'zbekenergota'mir» ОАЖ акциядорлари рўйхати 2002 йил 28 май ҳолати бўйича тузилган.

- КҮН ТАРТИБИ:**
1. «O'zbekenergota'mir» очик акциядорлик жамиятининг йиллик ҳисоботи, йиллик бухгалтерия ҳисоботи, шу жумладан, фойда ва зарарлар (фойда ва зарарлар ҳисоби) ҳисоботини тасдиқлаш.
 2. Жамиятнинг 2001 йил фаолияти бўйича фойдани тақсимлаш, шу жумладан, дивидендларни тўлаш.
 3. «O'zbekenergota'mir» очик акциядорлик жамияти акциялари бўйича йиллик дивидендлар миқдори, уларни тўлаш муддати ва шакли тўғрисида.
 4. «O'zbekenergota'mir» очик акциядорлик жамияти аудиторини тасдиқлаш.

Йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар билан акциядорлар махсус регистратор (реестр сақловчи) орқали танишишлари, «O'zbekenergota'mir» очик акциядорлик жамияти ходимлари бўлган акциядорлар эса ўз ишхоналарида танишишлари мумкин.

«O'zbekenergota'mir» ОАЖ қузатув кенгаши.